

transactions, increases security and opens up new investment opportunities. The development of Uzbekistan in these areas will serve to make the country's economy more stable.

Conclusion.

This article has explored the transformative impact of financial technologies (FinTech) on the development of the international financial market. Through the analysis of [mention key areas you covered, e.g., specific FinTech innovations, regulatory frameworks, market trends], it has become evident that FinTech is not merely an incremental improvement, but a disruptive force reshaping the landscape of global finance. The rise of FinTech has fostered greater efficiency, accessibility, and innovation within the international financial market. New technologies like blockchain, AI, and mobile payment systems are streamlining cross-border transactions, reducing costs, and expanding financial inclusion to underserved populations. Furthermore, FinTech has spurred increased competition among traditional financial institutions, driving them to adopt new technologies and improve their service offerings to remain competitive.

List of references.

1. Website of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan — <https://cbu.uz>.
2. The official website of the Tashkent Stock Exchange — <https://uzse.uz>.
3. Global FinTech news: information from SWIFT, NYSE and other international organizations.
4. Ergasheva Sh., Ibragimov A., Rizaev N. — "International standards of financial reporting", TDIU, 2019.
5. Decision PQ-4611 of the President of the Republic of Uzbekistan "On additional measures for the transition to international standards of financial reporting", February 24, 2020.
6. Bonham M. — "Generally Accepted Accounting Practice under IFRS", Ernst & Young, 2010.
7. Ibragimov A., Rizaev N. — "National and international standards of accounting in banks", T.: "Finance", 2016.
8. Archive.uz sit
9. The Global Bank of Ireland

ЎЗБЕКИСТОН ФОНД БОЗОРИ ҲОЛАТИ ВА ДИНАМИКАСИ

Қаҳрамон Чинқулов

*ТДИУ, «Молия ва молиявий технологиялар»
кафедраси доценти, PhD*

Фонд бозори Ўзбекистонда бизнесни молиялаштиришнинг муқобил манбаи ҳисобланади. Ҳозиргача Ўзбекистонда бизнес асосан банк молиясига боғлиқ, афсуски бу қиммат ва кўпинча мавжуд эмас, яъни

банкларда ресурс етишмаслиги муаммоси бор. Қимматли қоғозлар бозори бошқа турдаги муқобил капитални – акциядорлик капиталини таклиф қилади.

Иқтисодий луғатларда ва адабиётларда “фонд бозори” ҳамда “қимматли қоғозлар бозори” тушунчалари кўп учрайди. Айрим иқтисодчилар буларга алоҳида тушунчалар сифатида қарайдилар. Масалан, профессор М.Б.Хамидулин “фонд бозори” ҳамда “қимматли қоғозлар бозори” тушунчаларини бир-биридан ажратиш лозим, чунки “фонд бозори” тушунчаси ўзининг алоҳида хусусиятларига эга, дея ҳисоблайди.

Олимнинг фикрига кўра “фонд бозори корпоратив стратегияларнинг молиявий таъминот инструменти бўлиб, корпорациянинг капиталини (асосий фондларини) ўстиришга, мазкур капитални қайта тақсимлаш ва мулкӣ муносабатларни (акциялар, облигациялар, варрантлар) тартибга солишга қаратилган ҳисобланади”¹⁷⁴.

И.Л.Бутиковнинг фикрича: “Бизнинг тадқиқотларимизга кўра қимматли қоғозларнинг ҳар хил турлари фонд бозори учун ҳам, қимматли қоғозлар бозори учун ҳам тенг миқёсдаги махсус товар ҳисобланади. Шунинг учун тарихан мазкур тушунчаларни бир-биридан ажратиш мураккаб ҳисобланиб, фикримизча методологик жиҳатдан, амалий жиҳатдан уларни ажратишга зарурат йўқ”¹⁷⁵.

Муаллиф фикрига кўра “фонд бозори” ҳамда “қимматли қоғозлар бозори” тушунчалари сўзма-сўз фарқ қилсада, Ўзбекистонда мазкур тушунчаларни синоним сифатида ишлатиш мумкин ҳисобланади.


Ўзбекистонда фонд бозори суст ривожланаётганлиги билан бирга, айрим жиҳатларда ўсишда давом этмоқда. Сўнгги пайтларда чакана инвесторлар, айниқса, Jett.uz мобил иловаси ишга туширилгандан сўнг фаол савдони бошладилар.

1-расм маълумотларидан кўришимиз мумкин, 2024 йилда «Тошкент» РФБда акциялар савдоси битимлар ҳажми ва битимлар сони 2023 йилга нисбатан ўсган. Қувонарли жиҳати, 2023 йилда битимлар ҳажми 223,18 млн. долларни ташкил этган бўлса, 2024 йилда мазкур кўрсаткич 1,5 млрд. долларни ташкил этиб, 600% дан ортиқ ўсиш кузатилди.

Шунингдек, битимлар сони ҳам қисман ошган. 2023 йилда 2022 йилга нисбатан фонд бозорида ликвидлик ошди, биржада амалга оширилган битимлар сони 5-6 баравар кўпайди, бу, албатта, жуда қувонарли ҳолат ҳисобланади. Битимлар сонининг кескин ортишини чакана инвесторлар учун Jett.uz мобил иловаси ишга туширилганлиги билан изоҳлашимиз мумкин. Аммо, 2023 йилда битимлар ҳажмининг 2022 йилга нисбатан кескин пасайишини ижобий баҳолай олмаймиз.

¹⁷⁴ Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. –Ташкент.: Молия, 2008.—204 с., с.88-89.

¹⁷⁵ Бутиков И.Л. Проблемы формирования и функционирования рынка ценных бумаг в Узбекистане. Дисс...д-ра.эк.наук. –Ташкент, 2009.—С.64.



1-расм. 2017-2024 йилларда «Тошкент» РФБда акциялар савдоси битимлар ҳажми ва битимлар сонининг ўзгариши [6].

Фонд бозори айланмасини кескин оширишга давлат раҳбари даражасида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони билан “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” қабул қилинди. Мазкур стратегиянинг 27-мақсадида “Иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларида 7 миллиард АҚШ долларига етказиш, мамлакатимизда капитал ҳаракатини босқичма-босқич эркинлаштириш ҳамда йирик корхоналарни ва улардаги улушларни (акцияларни), шу жумладан фонд биржаси орқали хусусийлаштириш” белгиланган¹⁷⁶. Бошқача айтганда, 2025 йилда фонд бозори айланмаси 1,5 млрд. долларни ташкил этган. 2026 йилнинг якунига қадар эса мазкур кўрсаткични 7 миллиард АҚШ долларига етказиш кўзда тутилган

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда қимматли қоғозлар бозори ва турли давлат компанияларининг IPO ҳамда SPOлари ҳақида кўпроқ эшитиш мумкин. 2024 йилда «Халқ IPO»си дастури доирасида 42,9 млрд сўмлик (\$3.4 млн.) битта оммавий жойлаштириш – «ЎзРТХБ» АЖнинг SPOси ўтказилди.

Афсуски, эркин муомаладаги акцияларнинг бозор капиталлашуви ва унинг ЯИМга нисбатан ўзгариши ижобий тенденцияга эга бўлсада, жуда паст кўрсаткичга эга. 2024 йил якунига кўра, акциялар бозорининг капиталлашуви 242,42 трлн сўмгача (\$18,8 млрд) ўсди ва ЯИМга нисбатан 16,3 фоизни, эркин муомалада бўлган акцияларнинг (free-float) бозор

¹⁷⁶ ЎзР Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони 1-илоvasи билан тасдиқланган “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”. <https://lex.uz/docs/5841063>.

капиталлашуви эса 4,3 трлн сўми (\$330.3 миллион) ёки ЯИМга нисбатан бор-йўғи 0,3 фоизни ташкил этди¹⁷⁷.

Умуман, олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар берилди:

1. 2024 йилда акциялар савдоси битимлар ҳажми 1,5 млрд. долларни ташкил этиб, 600% дан ортиқ ўсиш кузатилди. Шунингдек, битимлар сони ҳам қисман ошган. 2023 йилда 2022 йилга нисбатан биржада амалга оширилган битимлар сони 5-6 барабар кўпайишининг асосий сабаби чакана инвесторлар учун «Jett.uz» мобил иловаси ишга туширилганлиги билан боғлиқ. Аммо, 2023 йилда битимлар ҳажмининг 2022 йилга нисбатан кескин пасайишини ижобий баҳолай олмаймиз.

2. Акция бозори капиталлашуви даражасининг ҳозирги ҳолатини ижобий баҳолай олмаймиз. Чунки, ҳозирги кунда республикамиз жами акция бозори капиталлашуви даражаси жаҳоннинг бу борадаги ўртача кўрсаткичидан анча кам миқдорни ташкил қилмоқда.

3. Мамлакатимиз фонд бозорида кам сонли акциялар сотилиши, эркин сотилиш (free-float) эса жуда озлиги (деярли йўқлиги) Ўзбекистон фонд бозори учун катта муаммолардан бири ҳисобланади.

Фикримизча, фонд бозорини ривожлантириш учун йирик давлат компаниялари, жумладан, банкларни IPO ва SPO орқали хусусийлаштириш лозим.

THE CENTRAL BANK OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN AS A FISCAL AGENT IN PLACING GOVERNMENT SECURITIES

Kholikov Khamidulla,

The Central Bank of the Republic of Uzbekistan, Head specialist, PhD

Debt issuance by the government can constrain the options and outcomes of monetary policy. Similarly, debt issued by the central bank for monetary policy purposes can impact the market for government debt. It can also have implications for financial stability. Government decisions about the currency denomination and the maturity of the government's own debt have had a major impact on the development of local currency debt markets. Such debt issuance strategies were in the past opportunistic, paying scant attention to the possible implications for financial stability (or to the medium-term fiscal consequences). But in recent years, governments have taken a more principles-based approach to the management of debt. This involved avoiding issuance policies that undermined macroeconomic control. A more deliberate focus on balance sheets was developed, leading to efforts to quantify risk exposures.

¹⁷⁷ “Тошкент” РФБнинг 2024 йил якунлари бўйича пресс-релиз. <https://www.uzse.uz/analytics?locale=uz>